

# Шайтонларга жаҳаннам азобини тайёрлаб қўйдик



10:03 / 23.02.2019 4651

Аллоҳ таоло Мулк сурасида шундай марҳамат қилади:

﴿السَّعِيرِ عَذَابَ لَّهُمْ وَأَعْتَدْنَا لِلشَّيْطَانِ رُجُومًا وَجَعَلْنَاهَا بِمَصْبِغٍ الدُّنْيَا السَّمَاءَ زِينًا وَلَقَدْ

**«Ва батаҳқиқ, Биз дунё осмонини чироқлар билан зийнатлаб қўйдик ва уларни шайтонларга отиладиган нарса ҳам қилиб қўйдик. Ва у(шайтон)ларга ловуллаган олов азобини тайёрлаб қўйдик» (5-оят).**

Бу ояти карима назаримизни осмоннинг жамолига жалб этади. Ҳақиқатан, қоронғи кечадаги юлдузли осмоннинг кўриниши кўп ажойиб, сеҳрли. Айниқса, саҳрода, денгизда ва шу каби очик жойларда кетаётган кишилар учун бу манзара яққол кўринади. Шу билан бирга, мазкур юлдузлар шайтонларга отиладиган учқунларнинг ҳам манбасидир. Жаноби

Пайғамбаримиз Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида араб фолбинлари «Бизнинг шайтонларимиз осмонга чиқиб, ғайбадаги нарсаларни билиб беради», деб мақтанар эдилар. Қуръони карим буни рад этиб, бу дунёда юлдузлардан ажраб чиққан учқунлар шайтонларни қувиб ҳайдашини, у дунёда эса уларга Аллоҳ таоло жаҳаннам азобини тайёрлаб қўйганини таъкидламоқда.